Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

6-йил чиқиши.
24 ИЮНЬ 1971 й.
ПАЙШАНБА
№ 147 (1522).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

Мусобақа қизияпти

«Тўққизинчи беш йиллик биринчи йили топшириғини муддатидан илгари адо этамиз»— шаҳримиздаги бадиий буюмлар фабрикасининг коллективи ана шундай шиор остида меҳнат қилмоқда.

Фабрика коллективи олдида шу беш йилликда улкан топшириқни амалга ошириш вазифаси турибди. Буни фақатгина фидокорона меҳнат, ишни ўзаро социалистик мусобақа асосида ташкил этиш туфайли муваффақиятли адо этиш мумкин.

Ўтган беш ойда эришилган натижалар ғоят қувонарлидир. Маҳсулотни реализация қилиш бўйича январь-май ойлари плани ортиғи билан адо этилди. Пландан ташқари бир неча минг сўмлик бадиий буюмлар ишлаб чиқарилди.

КПСС XXIV съезди Директиваларида совет кишиларининг кийим-кечак, енгил саноатнинг бошқа буюмларига бўлган эҳтиёжларини тағин ҳам тўлиқ қондириш мақсадида шу тармоқда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 35-40 процент кўпайтирилиши уқдирилган. Фабрика ишчилари ана шу улкан вазифаларни ҳаётга тадбиқ этиш йўлида ғайратга-ғайрат қўшиб ишламоқдалар. Улар халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқаришни ҳам тобора кўпайтирмоқдалар. Ўтган давр мобайнида қиз болаларнинг ва ўғил болаларнинг кўйлак ва костюмларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Коллектив аъзоларининг бундай ибратли ишларидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Москваликларнинг 1971 йил топшириқларини муддатидан илгари адо этиш юзасидан бошлаган ватанпарварлик ташаббуси чеварларни руҳлантириб юборди. Улар йиллик топшириқни 25 декабрга адо этишга ва пландан ташқари тўрт юз минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар.

Ҳозирги кунда корхона ишчилари ана шу мажбуриятни шараф билан бажариш учун мусобақани кун сайин қизитмоқдалар. Бу мусобақада Х. Иноятова, Н. Маргиева, Ш. Давлатова ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг чеварлари ҳамкасб дугоналарига намуна бўлмоқдалар.

ПОЙТАХТ ҚУРИЛИШЛАРИ УЧУН

КПСС XXIV съезди қарорларидан илҳомланган Меҳнат Қизил Байроқ орденли 159-қурилиш трестига қарашли 4-темир-бетон буюмлари заводи коллективи зиммадаги топшириқларини ой сайин бажариб келяпти.

Корхона коллективи пойтахт қурилишлари учун ўтган ойда пландаги 180 минг ўрнига 224 минг сўмлик йиғма-темир-бетон, йиғма бетон, қоришма бетон, арматура каби маҳсулотларни етказиб бериб, меҳнат унумдорлиги бўйича ҳам дуруст натижаларга эришди.

Бу меҳнат муваффақиятларининг қўлга киритилишида завод пешқадамларидан Б. Павликов, А. Чинпўлатов, Р. Дадаева, Р. Абдураҳмонова, М. Трушликоваларнинг муносиб хизматлари бор. Улар ойлик ва квартал планларини ортиғи билан адо этиб, кўпчилик ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.



Республикамиз фахри бўлган Тошкент тракторсозлик заводи ҳозир қайта қурилмоқда. Бу ерда қўшимча равишда энг замонавий талабларга жавоб берувчи ишлаб чиқариш корпуслари, ёрдамчи бинолар ҳамда маданий-маиший объектлар бунёд этилади.

СУРАТДА: Тошкент трактор заводининг бўлажак макети. Корхонани қайта реконструкциялаш лойиҳаси ва ҳужжатларни «Узгипротяжпром» лойиҳа институтининг бир группа мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган.

Тожикистон олқиши

ДУШАНБЕ. (штатсиз мухбиримиздан) Қардош Тожикистон ўлкасида Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбек Давлат филармониясининг симфоник оркестри гастроллари муваффақият билан ўтди. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Зоҳид Ҳақназаров бадиий раҳбарлигидаги санъаткорлар томошабинлар олқишига муяссар бўлдилар.

Республика пойтахтининг Яшил театрида берилган дўстлик концертида ўзбек ва тожик композиторларининг симфоник асарлари маҳорат билан ижро этилди.

Ленин номли маданият ва истироҳат боғида берилган концерт ҳам музика ишқибозларига манзур бўлди. Томошабинлар Чайковский, Римский-Корсаков, Моцарт, Бетховен, Лист, Дворжак, Ашрафийларнинг асарларини завқ билан тингладилар. Қардошлар диёрида берилган концертларда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, дирижёр Қувонч Усмонов, республикада хизмат кўрсатган артист Б. Мавлонов, Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ю. Беров, республика вокалистлари конкурсининг лауреати Ҳ. Мукаррамова, Бутуниттифоқ музикачилар конкурсининг дипломанти В. Верегин ва бошқалар қатнашдилар.

Ўзбек санъаткорларининг концертлари Ленинободда, Норак, Қўрғонтепада ҳам бўлди. Ҳамма жойда ўзбек артистларини қизғин қарши олинди.

Ярим йиллик тайёр

Ёзнинг иссиқ кунларида енгил матодан хушбичим қилиб тикилган кўйлакларни ким ёқтирмайди, дейсиз. Аҳоли талаб ва эҳтиёжларини кунт билан ўрганиб келаётган 2-тикувчилик фабрикасининг чеварлари тайёрлаётган эркаклар, мактаб ва боғча ёшидаги болалар кўйлаклари айниқса, харидорларга манзур бўлмоқда.

Тошкент шаҳар маҳаллий саноат Бошқармасига қарашли бу фабрика коллективи йил бошидан буён шундай либосларнинг бир неча хил янги моделларини ўзлаштирди. 1971 йил план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган ўзаро социалистик мусобақа тобора қизиб боряпти.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ярим йиллик топшириғини муддатидан илгари адо этгач чеварлар бошқармага қарашли корхоналар ўртасида биринчиликни эгаллади. Фабрика меҳнат аҳли ярим йиллик планга қўшимча 70 минг сўмлик маҳсулот беришга қарор қилди.

Бугун

илғор коллективнинг савдо ташкилотларига планга қўшимча етказиб берган маҳсулоти эллик минг сўмликка етди. Фабрика ишчи-хизматчилари КПСС XXIV съезди Директиваларида айтилганидек, аҳолига кийим-кечаклар етказиб бериш ҳажмини тобора оширмоқдалар. Айниқса, кийимларнинг сифатига катта эътибор берилмоқда.

«Союзхлопкомаш» бирлашмасининг машинасозлари мамлакатимиз тўқимачилик ва пахтани қайта ишлаш саноати учун кўплаб турли хил машина комплексини ишлаб чиқармоқда.

СУРАТДА: корхонанинг пешқадам электр пайвандчиси, КПСС аъзоси Р. Содиқов. Бу ишлаб чиқариш зарбдори ўзининг беш йиллик шахсий топшириқларини тўрт йилда бажаришга аҳд қилган.

М. Нуриддинов фотоси.

ОБ-ҲАВО

Бугун Тошкентда термометр симоби 35 даража иссиқни кўрсатди. Ҳаво очиқ, шимолий-ғарбдан секундига 3—7 метр тезлик билан шамол эсади.

САВДО БАЗАЛАРИ

КПСС XXIV съезди Директиваларида автомобилсозликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб ўтилган. Енгил автомашиналар ишлаб чиқариш 1975 йилга бориб, 1 миллион 300 минг донага етказилади. Ваҳоланки, 1970 йилда мамлакатимизда 344 мингта машина ишлаб чиқарилган эди.

Бугун

«Средазгипроторг» институтида Тольятти шаҳридан Ўзбекистонга келадиган енгил автомашиналар учун махсус майдонларнинг лойиҳаларини чизишга киришилди.

Айни пайтда, институт лойиҳачилари Қўйлиқ массивида қуриладиган «Узторгодежда» савдо базасининг ҳужжатларини ҳам буюртмачига топширдилар. Бу база 12 минг квадрат метр майдонда бунёд этилади.

Ҳозирда институт лойиҳаси асосида Самарқандда улгуржи савдо базаси, Андижон ва Тошкент шаҳарларида ресторанлар қурилиши ниҳоясига етиб бормоқда.

ПАРДОЗЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Пойтахтимизнинг 2-Қорақамиш массивида турар-жой, маданий-маиший бинолар билан бир қаторда, болалар муассасалари қурилиши ҳам жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Шу кунларда бу ерда бунёд этилган 280 ўринли болалар комбинати биносида пардозлаш трестининг 29-бошқармаси коллективи меҳнат қиляпти. Айниқса, бошқарманинг Худойберди Тожибоев раҳбарлигидаги бўёқчилар бригадаси аъзолари ишни тез ва сифатли бажариб, ҳамкасблари ўртасида пешқадамликни қўлдан бермаяптилар.

Бригада аъзоларидан М. Мадраҳимов, З. Жалилов, А. Юнусов, Р. Хохлова каби меҳнатсеварлар кунлик нормаларини 1,5—2 ҳиссадан адо этиб, коллектив муваффақиятига муносиб улуш қўшмоқдалар.

Аҳолига қулайлик

БАЛИҚ МАГАЗИНИ

Киров районида харидор ўз-ўзига хизмат қилувчи балиқ магазини ташкил этилди. Бундай магазин ҳозирча республикада ягонадир.

Балиқлар учун махсус ҳовузчалар, фонтанлар қурилган, харидор сув ичида сузиб юрган балиқлардан истаганини танлаб олиши мумкин.

Оққўрғон районидаги махсус хўжалик бу ерга ҳар куни 2 тоннадан зиёд тирик балиқ юбормоқда.

ЯРМАРКА ҚИЗҒИН ЎТМОҚДА

Ҳозирги пайтда республика саноат корхоналарида ва турли таъминот базаларида ортиқча техника жиҳозлари, хом ашёлар, поток линиялар, ҳар хил асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ишлатилмай ётибди. Лекин бу маҳсулотлар бошқа республикалар ннинг корхоналари ва ташкилотларига жуда зарур.

Тошкентда ўтказилаётган Бутуниттифоқ улгуржи ярмарка мамлакатимизда тўпланиб қолган, ана шундай маҳсулотларни реализация қилишга бағишланган. Ярмарка «Ёшлик» спорт саройида ўтказилмоқда. Унга Совет Иттифоқининг ҳамма шаҳарларидан мутахассислар келишган.

Ярмарка бошлиғи, республика материал-техника таъминоти Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Анвар Саидхўжаев мухбиримизга бундай деди:

— Бизни республикамизда эшикларнинг қулф-калитлари, ошиқмошиқларга бўлган талаб жуда катта. Лекин Тула областида ана шундай маҳсулотларни истаганча топиш мумкин экан.

Ўзбекистон геологлари ихтиёрида скреперларнинг ортиқча баллонлари бор. Баландлиги 2 метрча келадиган бу баллонларни украиналик ҳамкасблар бажонидиллик билан сотиб олишди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Дастлабки маълумотларга қараганда ярмаркага 110 миллион сўмлик маҳсулот тақдим қилинди. Шубҳа, йўқки, у халқ хўжалиги учун фойдали бўлади.

ОЧКОЛАР ТЕНГ БЎЛИШИБ ОЛИНДИ

Кеча Тошкентдаги Марказий «Пахтакор» стадионида мамлакат биринчилиги учун олий лига командалари ўртасида навбатдаги учрашув бўлиб ўтди. Бунда пахтакорчилар Москванинг «Спартак» футболчиларини қабул қилишди.

Тўқсон минут давом этган бу ўйинда ўзбек футболчилари москваликларга қараганда яхши ўйнаб рақиблари дарвозасини кўплаб ишғол қилиш имкониятига эга бўлишди. Биринчи минутлардаёқ пахтакорчилар москваликларни шошириб қўйишди. Пойтахтликлар майдон эгаларининг ҳужумига аҳён-аҳёнда жавоб қайтардилар. Вақт ўтиши билан ўйин аста-секин тенглаша борди ва қизиқарли ўтган бу учрашувда ҳисоб очилмай, командалар очколарни тенг бўлишиб олишди.

* * *

Тбилисининг «Динамо» командаси ўз майдонида москвалик клубдошларини қабул қилиб 0:2 ҳисобида ютқазди. Бокунинг «Нефтчи» футболчилари эса Донецкнинг «Шахтёр» командасини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Ереванда «Арарат» спортчилари билан Ворошиловграднинг «Заря» командалари ўртасидаги ўйинда, армандлар 2:1 ҳисобида ғолиб келишди. Киевда бўлиб ўтган Марказий Армия Спорт Клуби билан майдон эгаларининг учрашуви футбол муҳлисларида катта қизиқиш уйғотган эди. Бу командаларнинг биринчи бўлимдаги ўйинида ҳисоб очилмади. Иккинчи бўлимда киевликлар москваликлар дарвозасини 4 маротаба ишғол қилишди. Бунга жавобан пойтахтликлар бир тўп билан жавоб қайтаришди. Ростовнинг АСК футболчилари билан Ленинграднинг «Зенит» спортчилари ўртасидаги учрашув ростовликлар фойдасига 1:0 ҳисобида тугади. «Қайрат» Олмаота — «Динамо» Минск (3:3), «Торпедо» Москва ва Львовнинг «Карпати» командалари (1:1) ўртасидаги ўйинлар дуранг натижада тугади.

ДОҲИЙ МАВЗОЛЕЙИ ТАРИХИ

Бугун

шаҳримиздаги В. И. Ленин Марказий музейи филиалида «В. И. Ленин мақбарасини лойиҳалаш ва қуриш тарихи» деб номланган кўргазма очилди. Унда томошабинлар доҳий мавзолейини барпо қилиш тарихи, уни яратган архитекторлар, мавзолейнинг ташқи ва ички кўринишлари лойиҳалари билан танишишлари мумкин. Кўплаб фотосуратлар, макетлар ва бошқа экспонатлар бу ҳақда мукаммал тасаввур беради.

В. И. Ленин Марказий музейи юборган бу кўргазма икки ой давомида намойиш қилинади.

ЯНГИ ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ

Тошкент минерал сувлар заводида соатига 10 минг дона шиша идишга минерал сув қуйиш кувватига эга бўлган автомат линия ўрнатилади. Уни ленинградлик машинасозлар тайёрлашган.

Маълумки, Тошкент сувининг ошқозон-ичак касалликларини даволашда аҳамияти катта. Шу сабабли унга бўлган талаб ошиб боряпти. Буни ҳисобга олган завод коллективи янги-янги техника воситаларини ишга солмоқда.

ТОНГГИ газеталарда

⊙ **Космонавтлар Георгий Добровольский, Владислав Волков ва Виктор Пацаев ўртоқлар «Салют» орбитал илмий станциясидан, Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига, Ер шарининг барча гражданларига, Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитети ва уруш ветеранлари совет комитетига фашистлар Германиясининг Совет Иттифоқига хиёнаткорона ҳужум қилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан мурожаат йўлладилар.**

⊙ **Вашингтон, Пекин, Париж ва Лондондаги СССР элчилари ядроли давлатлар конференциясини чақириш масаласи борасида СССР ҳукумати баёнотининг текстини яқинда АҚШ, Хитой Халқ Республикаси, Франция ва Англия ҳукуматларига топширдилар.**

МИЛИЦИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ ҚАТЪИЙ СЎЗИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ КОЛЛЕГИЯ МАЖЛИСИДАН

КПСС XXIV съезди ҳужжатларида мамлакатда ҳуқуқ-тартибот ва социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлашнинг аниқ йўли белгилаб берилган. Социалистик демократия тобора ривожланаётган ва ижтимоий муносабатлар такомиллашаётган ҳозирги шароитда бу масалаларнинг аҳамияти ошиб бораётганлиги таъкидланган.

Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг кеча бўлиб ўтган Коллегия мажлисида ана шулар ҳақида сўз юритилди.

Коллегия мажлисини Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси бошлиғи III ранг милиция комиссари З. И. Имомов очди. Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари милиция полковниги В. С. Зайцев «КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш бўйича Тошкент шаҳар Ички ишлар органларининг вазифалари» ҳақида доклад қилди.

Шаҳримиздаги Ички ишлар органларининг янги беш йилликдаги вазифалари, —деди ўртоқ Зайцев, —КПСС XXIV съездининг ҳуқук-тартиботни ва социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлаш бўйича қабул қилган қарорларини ҳаётга тадбиқ қилишдан иборатдир.

— Биз фаолиятимиз тўққизинчи беш йилликда коммунистик қурилиш бўйича белгиланган планларнинг амалга ошиши учун максимал даражада мос тушишига ҳаракат қилишимиз керак. Докладчи ҳозир ва келгуси беш йилликда Ички ишлар органлари ходимлари олдида турган вазифалар ва проблемаларга муфассал тўхталди.

Район ижроия комитетлари Ички ишлар бўлимлари бошлиқлари ўртоқ Ш. Юсупов, М. Азимов, М. Аҳмедов, Ички ишлар бошқармаси ўт ўчириш бўлими бошлиғи Ю. И. Супрягин, ведомостводан ташқари муҳофаза бўлими бошлиғи Ш. Аҳмедов ва бошқалар шаҳар Ички ишлар органларида йаиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибиня мустаҳкамлаш бўйича қандай ишлар қилинаётганлиги ҳақида гапирдилар.

Коллегия мажлисида Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов қатнашди ва нутқ сўзлади. У ўз нутқида ҳал қилинмаган масалаларга тўхталди, пойтахт милицияси ходимлари ҳозир бош қотиришн лозим бўлган проблемалар ҳақида гапирди.

Коллегия мажлисида нутқ сўзлаган Ўзбекистон ССР Ички ишлар министри II ранг ички хизмат генерали Х. Х. Яҳёев шаҳар Ички ишлар органлари ва бўлинмалари фаолиятидаги камчиликларни айтиб ўтди ва уларни бартараф қилиш йўлларини кўрсатиб берди.

Коллегия ишида иштирок этган Тошкент милиция гарнизони хизмат илғорлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси органлари ва бўлинмалари шахсий составига қарата Мурожаат қабул қилдилар. (Мурожаат газетамизнинг яқин кунлардаги сонларидан бирида эълон қилинади).

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

КОРЕЯ МЕҲНАТКАШЛАРИ СОЦИАЛИСТИК ИТТИФОҚИНИНГ СЪЕЗДИ

ПХЕНЬЯН. (ТАСС). Бу ерда Корея меҳнаткаш ёшлар социалистик Иттифоқининг VI съезди очилди. Съезд кун тартибида Корея меҳнаткаш ёшлар социалистик Иттифоқи Марказий Комитетининг ҳисобот докладини ва Корея меҳнаткаш ёшлар социалистик Иттифоқи Марказий ревизия комиссиясининг докладини муҳокама этиш, шунингдек иттифоқ марказий раҳбар органларини сайлаш масалалари бор.

Корея меҳнаткаш ёшлар социалистик Иттифоқи Марказий Комитетининг раиси Ким Си Хак Марказий Комитет ҳисобот докладини қилди.

Съездда социалистик мамлакатлар, шу жумладан, Совет Иттифоқи ёшларининг вакиллари, турли демократик, ёшлар ва студентлар ташкилотларининг делегатлари иштирок этмоқда.

РУМИНИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ МХРГА ВИЗИТИ

УЛАН-БАТОР. Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг ва Монголия Халқ Республикаси ҳукуматининг таклифига мувофиқ Румыния Коммунистик партиясининг бош секретари, Румыния Социалистик Республикаси давлат кенгашининг раиси Н. Чаушеску бошчилигидаги Румыния Социалистик Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси расмий визит билан Улан-Баторга келди.

(ТАСС).

ҲИНДИ-ХИТОЙ ФРОНТЛАРИДА

ХАНОЙ. Озодлик матбуоти агентлигининг маълумотларига кўра, июнь ойининг дастлабки ўн куни мобайнида жанубий вьетнамлик ватанпарварлар Чавинь вилоятида Америка-Сайгон қўшинларининг 54 та таянч пунктини яксон қилдилар.

Каосан патет-лао агентлигининг хабар беришича, Лаос Халқ озодлик армиясининг жангчилари шу ойнинг дастлабки 15 куни ичида душманнинг бир мингга яқин солдат ва офицерини сафдан чиқардилар, 40 та тўпини қўлга туширдилар, 8 та вертолётни уриб туширдилар.

Сомали пойтахти Могадишо Ҳинд океанининг Африка соҳилларидаги энг гўзал шаҳарлардан биридир.

СУРАТДА: пойтахт маркази. С. Кулик фотоси. ТАСС фотохроникаси.

КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширамиз!

Коммунистлар намуна

Одатда, ишга янги келган кишиларнинг аксарият кўпчилиги дастлабки пайтда, коллектив ўртасида ўзини анча ноқулай ҳис этади. Раҳим Баширов ҳам биринчи бор иш бошлаганда худди шундай бўлди. Қанчалик уринмасин, иши ҳа деганда юриша бермади. Шу туфайли ҳам, уни турли хил хаёллар тинимсиз безовта қиларди.

У қатъий бир қарорга келиш учун иш куни тугаши билан цех партия ташкилотининг секретари Ботир Исамуҳамедовга учрашиб, унга ўз дардини баён қилди. Б. Исамуҳамедов тажрибали коммунист, токарь эмасми, Раҳим билан ака-укалардек самимий суҳбатлашиб, корхона пешқадамларидан бирнечтасининг дастлабки иш фаолиятидан мисоллар келтирди. Меҳнатга биринчи галда меҳр қўйиш, ўқиб-ўрганиш, қолаверса, тинмай изланиш кераклигини тушунтирди. Секретарнинг бу маслаҳати Раҳимнинг кўнглини ёриштириб юборди.

Шу-шу бўлди-ю, Баширов ишга киришиб кетди. Ишни яхши ўзлаштириб олишда унга бевосита партия ташкилотининг секретари Ботир аканинг ўзи яқиндан амалий ёрдам берди. У ишлаётган станок ёнига тез-тез келиб, берган маслаҳатларига Р. Баширов қандай амал қилаётганини ўз кўзи билан кузатиб борди. Натижа ёмон бўлмади. Раҳим Баширов цех коллективи, айниқса партия ташкилотининг ғамхўрлиги туфайли қисқа давр мобайнида танлаган касбини моҳирлик билан эгаллаб, илғорлар сафидан ўрин олди. Орадан кўп ўтмай, уни бригада бошлиғи қилиб тайинладилар.

Эндиликда, Р. Баширов раҳбарлик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси корхонадаги пешқадам коллективлардан бири бўлиб қолди. Чунки, бу бригада аъзолари деталларга сифатли ишлов бериб, ойлик топшириқларни мунтазам равишда ортиғи билан бажариб келмоқдалар.

Дарҳақиқат, «Ўзбексельмаш» заводининг бошланғич партия ташкилотларида ёшларни коммунистик меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишлари ана шундай яхши йўлга қўйилган. Ишга янги қабул қилинган ҳар бир киши қобилиятига қараб, тажрибали ишчиларга бириктиб қўйилади. Ишчи ўз шогирдига биринчи галда корхона ҳаёти ва унинг истиқболлари ҳақида гапириб беради. Шогирдида бу ерда доимий ишлаб қолиш иштиёқини уйғотади.

Бундан ташқари, заводда илгари ишлаб кетган меҳнат ветеранлари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, донгдор кишилар билан тез-тез учрашувлар ўтказиб туриш ҳам одат тусига айланиб қолган.

Партия ташкилоти ва ишчилар комитети коллектив ўртасида КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан социалистик мусобақани ҳар томонлама авж олдириб юбордилар.

Ленин ордени соҳиби Шоюнус Шопазаров бошлиқ «Коммунистик меҳнат бригадаси» аъзолари съезд кунларида 1971 йил топшириқларининг ярим йилда, беш йилликни эса тўрт йилда бажариш мажбуриятини олган эдилар. Бу борадаги дастлабки муваффақият қўлга киритилди. Коллектив ўз сўзининг устидан чиқиб, йиллик планни ҳозирнинг ўзидаёқ шараф билан бажариб қўйди ва эндиликда 1972 йил ҳисобига маҳсулот топширмоқда.

Корхонада съезд қарорларидан руҳланиб, ўз зиммасига олган йиллик шахсий мажбуриятларини бажарган кишилар сони ҳам кун сайин ортиб бормоқда. К. Тўлабоев, М. Минаввархўжаев, А. Кочетков, Т. Холматов каби кўпгина илғор ишчилар ана шулар жумласидандир. Улар ўзларининг ажойиб меҳнат кўрсаткичлари билан коллективнинг ҳурмат-эътиборини қозониб келмоқдалар.

Бундай ютуқларга социалистик мусобақани тўғри уюштириш, коммунистик меҳнат ҳаракатини ҳар томонлама авж олдириб юбориш туфайли эришилмоқда. Ҳозир корхонада бир юз икки ишчига «Коммунистик меҳнат зарбдори», икки цех, учта участка ва йигирма етти бригадага «Коммунистик меҳнат коллективи» деган шарафли ном берилган.

Улар шу кунларда КПСС XXIV съезди қарорларини бажариш учун ғайрат ва шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Бу соҳадаги ҳаракатга корхона партия ташкилоти, барча коммунистлар бош-қош бўлиб келаётир.

С. МУСАХЎЖАЕВ.

Ленин номидаги Тошкент Давлат университети физика факультетининг кафедрасида тадқиқотчилар группаси ядро процессларини ўрта мактаб физика курси бўйича ўрганиш юзасидан кенг тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

СУРАТДА: Киров номли Ленинобод Давлат педагогика институтининг стажёри Х. Муртазоев ва университетнинг катта лаборанти А. Жўраев зарядланган заррачалар ва радиоактив моддаларнинг ўз-ўзидан парчаланиши устида иш олиб бормоқда.

Э. Талаббоев фотоси.



Халқимиз учун турли хил кенг халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқара бошлаган Олмалиқ рўзғор кимёси заводининг биринчи навбати ишга тушди. Яқин келажакда бу корхона тўла қувват билан ишга тушади. Ҳамда унинг маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати бир неча марта кўпаяди.

СУРАТДА: заводнинг умумий кўриниши.

ЎТМИШ МАДАНИЯТИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Археологлар Тошкент шаҳрини қадимий ва тарихий деб атайдилар. Улар бир неча йиллардан бери олиб бораётган илмий тадқиқотлари ва қазилмалар бу фикрни исботламоқда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг археология институти Тошкент бўлимининг олимлари пойтахт тарихини ўрганишда давом этиб янги-янги маълумотларни топмоқдалар.

Чилонзорнинг Октепа бекати атрофидаги Минг ўрик харобалари диққатга сазовор. Археологлар синчковлик билан қазиш натижасида ўтган асрларга доир қабрларни топишга муяссар бўлдилар. Харобалардан қазиб олинган буюмлар, санъат асарларининг парчалари ўтмишдаги кишиларнинг маданиятидан яққол далолат беради.

Бундан ташқари Хўжаобод қазилмалари ҳам тарих ва археология фани учун бир қатор қимматли маълумотлар бермоқда.

●ДАРАХТ БИР ЖОЙДА КЎКАРАДИ

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ САМАРАСИ

БИР даргоҳда қирқ йил меҳнат қилган Ленин орденли ветеран ишчи билан суҳбатлашиш режаларини туза бошладим. Энг асосийси у кишининг дилини топа билиш керак.

«Ташсельмаш» заводига келиб партия комитети секретарига мақсадимни айтдим. Бирга Ленин хонасига кирдик. Кўп ўтмай, хонага ўрта бўйли, барваста, ёши олтмишларга бориб қолган нуроний бир киши кириб келди.

— Мени йўқлатганмидингиз,— дея мурожаат қилди у партком секретарига.

— Ҳа, шундай, тўғрироғи, бу киши Сизни йўқлатганди. Қани, танишинглар, — дея менга юзланди.

Мен қувониб кетдим. Чунки излаган қаҳрамонимнинг чеҳраси менга қандайдир таниш, уни қаердадир кўрган, суҳбатлашгандек эдим.

Шундай қилиб, танишиб ҳам олдик. Лекин Адҳам ака «бораману келаман», деб ўйлаган бўлсалар керак. бажараётган ишларини ҳам йиғиштирмай келган эканлар. Шунинг учун, «мен ҳозир» дея хонадан чиқиб кетдилар.

Мен яна ўйга толдим. Бу чеҳраси иллиқ кишини қаерда кўрганман? Ёдимга туширишга ҳаракат қилдим. Ҳа, топдим.

Бу воқеа ўтган йилнинг кузида бўлганди. Ишдан кейин бир ўртоғим мени қўярдақўймай, меҳмонга таклиф қила бошлади:

— Бир очилиб келасан, жуда яхши жой. Ҳа, айтгандек, Латифжонни ўзинг ҳам яхши биласан, танийсан. У билан институтни бирга битирганмиз. Курсдошларимиз битирув кечасига сен ҳам боргандинг-ку, ёдингдами? Ўшанда «Гамлет»дан монолог ўқиб ҳаммани қойил қолдирганди. Уйи ҳам унча узоқ эмас. Бодомзор атрофида. Бугун унинг отасини пенсияга узатиш маросими. Дарахт бир жойда кўкаради деганлариденек, Латифжоннинг отаси Одил ака Толипов «Ташсельмаш» заводи барпо бўлганидан бери ўша ерда ишлаб келадилар.

Дўстим билан Латифжоннинг уйига йўл олдик.

Шинамгина ҳовли. Кичик кўк эшикдан ичкарига киришингиз билан айвони, ранг-баранг гулларнинг хушбўй иси димоққа урилди. Бир эшикка яқин бўлган шафтоли сояси тушиб турган скамейкадан жой олдик. Ҳаммаёқ сокин, ҳовли ўртасида яқиндагина кўк рангга бўялган каравотда хонандалар ашула айтишарди. Уларнинг ўртасида дутор чертиб қўшиқ айтаётган киши Адҳам ака эди.

Ана шу хаёллар оғушида ўлтирар эканман, хонага жомакорини алмаштириб, оҳори тўкилмаган костюмда Адҳам ака Нўъмонов кириб келди ва:

— Энди бемалол суҳбатлашаверсак бўлади,— деб ёнимдаги столга ўтирди. У кишининг ҳозирги кўриниши ишчидан кўра кўпроқ зиёлига ўхшаб кетарди.

Мен асосий мақсаддан четга чиқиб бўлса-да:

— Мусиқани севар экансиз, қўшиқни ҳам қойилмақом айтар экансиз, ёшлигингизда музика мактабини битирганмисиз ёки консерваторияни? — деб ярим ҳазил, ярим чин қилиб сўрадим.

Адҳам ака менга қараб қўйиб, сўз бошладилар:

— Ҳар қандай кишининг ҳам бирор нарсага ҳаваси қўйиши керак. Ҳали бола эканман, маҳалламиздаги Қоравой дуторчи машқ қилганида унинг атрофидан кетолмай қолардим. Дуторнинг гоҳ шўх, гоҳ майин овоз чиқариб сайраши мени ўзига тамоман ром қилиб олганди. Бу ҳавас мени дутор, танбурлар ясаладиган устахонага етаклаб борди. Илк марта ўша ерда уста тешасини қўлга олдим. Бу, балки, дурадгор уста бўлишимга ҳам сабабчи бўлгандир. Шундан бери қўшиқни севаман. Ишдан кейин тўрт томони очиқ шийпонда дутор чертиш, хиргойи қилишга не етсин. Қўшиқ, мусиқа барча чарчоқни унуттиради.

Адҳам ака бир нуқтага тикилиб қолди. Унинг кўзлари олдидан оловли ёшлик йиллари ўтаётгандир, балки.

— 1928 йиллар. Адҳам ака Тошкентдаги иқтисод-саноати техникумида ўқиб юрган пайтлар. У ўқиётган билим юрти Самарқандга кўчди. Ёшлиги, Самарқандга боришнинг иложи бўлмаганлиги сабабли, Адҳам ака меҳнат «биржа»сига (иш тақсимловчи ташкилот) боради. Ўша пайтлари «Ташсельмаш» заводи ўрнида механик устахона бор эди.

—Дастлабки меҳнат фаолиятим ҳам шу ерда — 1930 йилларда бошланган. Ҳамма ҳам ишни шогирдликдан бошлайди. Мен ҳам шу механик устахонага келганимда кўпроқ дастёрлик қилардим. Усталар нима буюришса, шуни бажарардим. Кунлар ўтгач, мени олти ойлик дурадгорлар тайёрлов курсига юборишди. Ана шунга ҳам 40 йил бўлибди.

— Ҳа, асли устаман. Уста бўлганда ҳам дурадгор устаман, дея сўзида давом этди Адҳам ака.— Ҳар қандай машинага ҳам ёғоч деталлар керак бўлади. Ана шу деталларни бизнинг бригадамиз аъзолари бажаришади. Инженерлар бизларни иш чизмалари билан таъминлашади. Биз эса ана шу чизмалар асосида моделлар ясаймиз. Шунинг учун ҳам, бизни дурадгор эмас, кўпинча моделчилар деб аташади.

— Моделчилик ҳунари қандай? Уни қийинчиликсиз бажарса бўладими? Узоқ йиллар ишлаб тажриба орттирганингиз учун ҳам Сиз каби ветеран ишчиларга моделчилик касбида ишлаш осон бўлса керак?

Бу саволимга Адҳам ака мийиғида бироз кулиб, қуйидагича жавоб бердилар:

— Ҳунарнинг осони йўқ. Айниқса, илгарилари модель ясаш жуда мураккаб иш ҳисобланарди. Чунки, инженерлар бизга яхлит бир деталь чизмасини беришарди. Уни қисмларга ажратишмасди. Шунинг учун ҳам, чизмалар устида узоқ ўйлашга тўғри келарди. Етти ўлчаб бир кес, деганларидек, ҳар бир деталнинг кичик қисмини бир неча мартадан ўлчашга тўғри келади. Чунки, миллиметрнинг бир неча бўлагида хатога йўл қўйилса, ўша модель кўнгилдагидек чиқмайди.

А. Нўъмонов бригадасида 11 киши меҳнат қилади. Бу бригада азаматлари ўз нормаларини ортиғи билан бажариб, барчага намуна бўляптилар.

Меҳнат қилган элда азиз, деганларидек, А. Нўъмоновнинг кўп йиллик самарали иши юксак баҳоланди. СССР Олий Совети Президиумининг фармонига мувофиқ у Ленин ордени билан тақдирланди.

С. АБДУЛЛАЕВ.

Хатларга обзор

Истак ва талаб

Хатлар... хатлар... хатлар. Уларнинг шакли ҳам мазмуни ҳам ҳар хил. Баъзи газетхонлар теварак-атрофдаги ўзгаришлар, янгиликлар, олийжаноб фазилатли жамиятимиз аъзолари ҳақида марок билан ҳикоя қилишса, яна бир хиллари камчилик ва нуқсонлар ҳақида хабар қилишади.

Мана, нималар деб ёзади ҳаваскор мухбир **Х. Иноғомов**: «Пойтахтимизнинг Қорақамиш массивида жойлашган 69-алоқа бўлими Октябрь районида энг илғор саналади. Алоқа бўлими хизматчилари квартал ва йиллик планларини суруъкасига бажариб келаётганлари туфайли, «Коммунистик меҳнат коллективи» деган юксак номга сазовор бўлишган. Почтальонлардан С. Самадова, Ш. Гончарь, Ф. Колеснова кабилар обуначиларга газета ва журналларни ўз вақтида етказиб бериш ҳамда пенсионерларни нафақа пуллари билан таъминлашда зўр ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар».

Бир туркум хатларда хўрандалар ошхона ва унинг хизматчиларидан миннатдор бўлиб ёзишган. Шулардан бири **П. Эргашевнинг** хабаридир. У Чилонзор район ошхоналар трестига қарашли 3-ошхона официанткаси Н. Қўчқорованинг хизматидан мамнунлиги ва унинг хўрандалар вақтини тежаб тез ва чаққон хизмат қилаётганлигини мақтаб ёзади.

Кўпгина хабарларда студентлар ўз меҳрибон мураббийлари ҳақида марок билан ҳикоя қилишади.

— Григорий Лазаревич Иофенинг номини Тошкент тўқимачилик институтининг талабалари зўр ҳурмат билан тилга олишади. Бу моҳир педагог 1939 йилдан бери студентларга билим сирларини ўргатади,—деб хабар қилади студент **Ф. Мирзаев.**

Гўзал шаҳримизни янада ободонлаштириш ва унинг санитария аҳволини яхшилаш борасида жойларда тинимсиз ишлар олиб борилаяпти. Бу темада ҳам редакциямизга кўплаб хат-хабарлар келиб турибди. Жумладан, Киров районига қарашли 1-Кисловодск маҳалласида истиқомат қилувчи **О. Ғуломов** ўзи яшаётган маҳалладаги ўзгаришлар, одамларга яратиб берилаётган қулай шароитлар ҳақида марок билан ёзади.

Шунингдек, Бешқайрағоч массивидаги Акмал Икромов маҳалласида яшовчи **Л. Ҳамидов**нинг хати ҳам шу темага бағишланади.

Бир группа авторлар гўзал жамиятимизга «чипта ямоқ» бўлиб тушаётган баъзи шахсиятпараст кишилар ва бокибегам идоралар ҳақида танқидий хабарлар йўллашган.

Ҳаваскор мухбир **Н. Нуриддинов** ўз хабарида Октябрь массивидаги «Союзпечать» ва 132, 133-почта хизматидан норози бўлиб ёзади. Автор алоқа хизматчилари томонидан газета ва журналлар обуначиларига ўз вақтида етказиб берилмаётганлигидан шикоят қилади.

Тошкент Давлат университетининг студенти **А. Содиқов** скверадаги фотореклама комбинатининг фотографлари томонидан олдирилган расмнинг сифатсизлигидан шикоят қилади ва бунинг исботи учун ўша расмнинг нусхасини хат билан қўшиб редакцияга жўнатган.

«Никобланган ўғрилик» деб номланган **А. Ҳабибуллаевнинг** материалида 11 май куни «ТШЕ 02-27» автобусида бўлиб ўтган воқеа ҳикоя қилинади. Бешёғочдан автобусга чиқиб, манзилга йўл олдик, деб ёзади автор.—Бироқ ҳар бекатда тушиб қолаётган одамларнинг билетини олиб автобусга янги чиқаётган пассажирларга қайта пуллаётган йигит диққатимизни ўзига тортди. Бу пуллар шофёр ва унинг ана шундай ёрдамчи ҳамтовоқлари чўнтагига тушишига шубҳам қолмади. Наҳотки, шаҳар транспорт бошқармасидаги ўртоқлар ҳали ҳам давлат ҳақига хиёнат қилаётган шофёрлар борлигини сезишмаса».

Чилонзор районида истиқомат қилувчи **Ф. Асрорхўжаев** эса АТС ишчилари хизматидан норози бўлиб, уч ойдан бери телефони бузуқлигидан шикоят қилади.

Ҳаваскор мухбир **С. Абдуллаева** Чуқурсойдаги 2-сон кўмир склади ходимлари меҳнаткашларнинг талабини ўз вақтида қондирмаётганлиги ҳақида ёзган.

Республикамиз бўйлаб

Темирйўлчилар вахтаси

Республикамиз пойтахти, унинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида меҳнат қилаётган ҳар бир киши, у қайси соҳа мутахассиси бўлмасин, беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашмоқда.

Тошкент темир йўли Коғон бўлимининг ишчи-хизматчилари ўз касбдошлари қатори меҳнат вахтасини давом эттирмоқдалар. Коғон бўлимига қарашли депо коллективининг меҳнати шу кунларда айниқса унумли бўлмоқда. Депо машинистлари халқ хўжалик юкларини манзилга элтиб бериш бўйича ярим йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаришга муваффақ бўлдилар. Улар тепловозлар ҳаракат тезлигини ошириш ва нуқсонсиз хизмат қилишда намуна кўрсатишяпти.

Тежамкорлик юришида актив қатнашиб, йил бошидан буён олти юз тоннадан зиёд ёқилғи тежаб қолинди. Илғор коллектив тежалган ёқилғи ҳисобига уч кун давомида кўплаб минг тонна халқ хўжалик юкларини ташиб беришга қарор қилди.

СУРАТДА: Коғон темир йўл бўлимига қарашли локомотив депосининг илғор машинистларидан (чапда) коммунист Анатолий Ладик билан Николай Захаров ўртоқлар сафар тараддудида. Бу илғор машинистлар узоқ йил бенуқсон меҳнат қилиб, «Аълочи машинист» номини олишган.

Ш. Мўминов фотоси.

Қишлоқ — шаҳарга

Пишиқчилик бошланяпти

КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларидан руҳланган Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхози деҳқонлари Тошкент шаҳри аҳолисини мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари —картошка, сабзавот, гўшт, сут, мева ҳамда полиз маҳсулотлари билан таъминлаш учун курашаяпти. Хўжалик коллективи тўққизинчи беш йилликда маҳсулот ишлаб чиқаришни бир ярим баравар кўпайтириш мажбуриятини олган эди. Деҳқонлар ўз сўзларининг устидан чиқмоқдалар. Ҳар куни шаҳар учун ўнлаб тонна картошка, сабзавот, гўшт, сут маҳсулотлари жўнатилмоқда. Бу йил, айниқса бодринг ва қулупнайдан кутилмаган даражада юқори ҳосил олинди.

Совхоздаги барча звенолар, бригадалар ҳамда бўлимларга ўз ишини яхши билган кишилар бошчилик қилади. Механизациялашган звено бошлиқлари Эргаш Шукуров, Ўрмон Аҳмедов, иккинчи бўлим бошқарувчиси Рихсибой Йўлдошев ва шу бўлимдаги бригада бошлиғи Раззоқ Эгамбердиевлар ана шундай кишилардир. Мана шу азаматларнинг ғайрати ва ташаббуси туфайли совхоз план ва мажбуриятларни ҳамиша муваффақият билан бажаряпти. Ҳозир совхоз боғлари ва полизларда авжи пишиқчилик бошланяпти. Ҳар куни совхоз йўлларида шаҳарга маҳсулот олиб бораётган қатор-қатор машиналарни кўриш мумкин.

СУРАТДА: совхознинг 2-бўлимидаги илғор бригада бошлиғи Раззоқ Эгамбердиев ва миришкор деҳқон Афзал ота Шарипов шаҳар аҳолиси учун жўнатиладиган бодрингни кўздан кечиришмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

Йўл-йўлакай

Бекатларга соябон керак

Кеча қариндош-уруғларимни кўриш учун Қорақамишга бормоқчи бўлдим. Хадрадаги фонтан ёнбошида автобуслар турна қатор турибди. Бу ердан Қорақамишга янги маршрутда 59-автобус юраётган экан. Кутиб турдим. Нақ йигирма минут деганда «пешонаси»га «59» рақами ёзилган автобус келди. Бекатда иссиқдан терлаб-пишиб кетган йўловчилар унга ёпирилишди. Мен ҳам бир амаллаб чиқиб олдим. Орадан ўн-ўн беш минут ўтди. Қани энди автобус юра қолса: кун иссиқ, автобус ичи тандирдек қизиб кетган.

— Юра қолса бўларди, анча туриб қолди, — деди бир кампир.

— Хадра автобусларнинг ҳордиқ оладиган жойи,—деди иккинчи бир йўловчи,— одам олгандан кейин, ахири юради-да, сабр қилиш керак.

Автобусга чиқолмай қолган кўплаб кишилар пастда, қуёш тиғида қўлларини бошларига соябон қилиб туришарди.

— Автобус бекатларида соябон йўқ, иссиқ кунларда йўловчиларга жуда қийинда,—дедим ёнимдаги ҳамроҳимга.

— Тўғри, — деди у,— Хадрадаги бирорта бекатда соябон йўқ.

Чиндан ҳам шундай. Хадрадаги автобус, трамвай ва троллейбус бекатларининг бирортасида соябон йўқ. Йўловчилар ёзда жазирама иссиқда, қиш-қировли кунларда эса қор-ёмғирда транспорт кутиб туришади.

Собир Раҳимов районига қарашли «Октябрь» колхоз бозоридан чиққан, минглаб йўловчилар «Келес» автостанцияси олдидаги бекатда автобус кутишади. Бу бекатда ҳам соябон йўқ. Қуёшнинг иссиқ тиғи бу бекатга кун бўйи тўхтовсиз тушиб туради. Комсомол майдонидан тўлиб келаётган автобуслар колхоз бозори бекатида камдан-кам тўхтайди.

Сағбон кўчасининг «Магазин», «Қўштут», «Райисполком», «Сағбон», «Абдулла Набиев» бекатларида ҳам соябонлар йўқ. Одамлар ёз бўйи иссиқда терлаб-пишиб автобус кутиб туришади.

2-Қорақамиш массиви кун сайин жамолини кўз-кўз қиляпти. Лекин бу янги массивнинг автобус бекатларида ҳам ҳали соябон, скамейкалар йўқ. Дарахтлар ёш бўлгани учун ҳали-бери соя бермайди. Шунинг учун, янги массивнинг автобус бекатларига тезда соябонлар қуриш, скамейкалар ва ахлат урналари ўрнатиш лозим.

Йўловчиларга автобус бекатларида қулай шароит яратишга шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси алоҳида эътибор бериши керак.

ЗАМОНИЙ.

САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

УЗОҚ УМР СИРИ

ШИФОХОНА ҚУЛАЙЛИКЛАРИ

ДОНОЛАР ЎГИТИ

Эл хизматига тайёрмиз

«Ихтисослаштирилган ва кўп профилли касалхоналар, поликлиникалар, диспансерлар қуриш давом эттирилсин ва шу тариқа аҳолига ихтисослаштирилган медицина ёрдами кўрсатиш сифати оширилсин ва мана шундай медицина хизматининг ҳамма турлари билан аҳоли тўлиқроқ таъминлансин...»

КПСС XXIV съезди Директиваларида келтирилган ушбу сатрлар беистисно бизнинг коллективга ҳам тааллуқлидир. Директиваларда совет кишиларининг соғлигини сақлаш ишларини бундан буён янада яхшилаш чоралари тўғрисида кишини тўлқинлантирувчи сўзлар айтилган.

Шаҳримизда Собир Раҳимов номли кенжа район ташкил топиши муносабати билан Студентлар шаҳарчасининг марказида янги поликлиника иш бошлаб юборди.

Бундан бир йил илгари худди шу поликлиника жойлашган ерда биргина соғломлаштириш медицина пункти мавжуд эди. Унда икки терапевт врач студентларга медицина ёрдами кўрсатишарди. Эндиликда, икки қаватли замонавий бино айни шу мақсадда элга хизмат қилмоқда. Поликлиникада медицина тармоқларининг кўпгина профиллари бўйича мутахассислар ишлаб туришибди. Бино хоналари ҳамда даволаш кабинетлари медицинамизнинг сўнгги техникалари билан жиҳозланган.

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг кўрсатмаси билан ҳамда С. Раҳимов номли район ижроия комитетининг тасдиқига мувофиқ иш бошлаган бу поликлиника янги район аҳолиси ҳамда студентларнинг саломатлигига хизмат қиляпти. У янги беш йилликнинг тўнғич поликлиникасидир. Унда 24 малакали врач ҳамда 54 медицина ҳамшираси ишлайди. Поликлиникада район аҳолисининг учдан икки қисми ҳамда Студентлар шаҳарчасида истиқомат қилиб турган қарийб ўн мингга яқин студент, аспирант ва ўқитувчиларга медицина ёрдами кўрсатилади.

Регистратура бўлимлари аҳоли учун ҳамда студентлар учун алоҳида-алоҳида хизмат кўрсатмоқда. Терапевт, хирургия, кўз касалликлари, қулоқ-бурун касаллиги, асаб ва ревматизм каби бир неча профил бўйича махсус мутахассис врачлар ишлаб туришибди.

Булардан ташқари, медицина аппаратлари билан жиҳозланган рентген кабинети, физиотерапия, электрокардиография, процедура кабинетлари, клиник ва биохимия лабораторияси каби хоналар мавжуд.

Медицина ҳамширалари ва мутахассис врачлар эл саломатлиги йўлида беморларга яхши хизмат кўрсатаётганликлари учун қисқа муддатда эътиборни қозонишга муваффақ бўлдилар. Жумладан, процедурия хонасида хизмат кўрсатувчи ҳамшира Рихси Зиямуҳамедова, хирургия кабинетининг ҳамшираси Фарида Юнусова, физиотерапия хонасининг ҳамшираси тажрибали Тамара Александрова, врачлардан Э. Алимов, З. Ёқубова, Б. Хўжаев, Б. Тошпўлатова ва бошқалар беморларни тез шифо топиб, меҳнат қобилиятига эришишларида яхши хизмат қилмоқдалар.

Поликлиниканинг истиқболи янада порлоқ. Чунки, С. Раҳимов номли район партия ва совет органлари аҳолига медицина ёрдами кўрсатишни бундан буён янада яхшилаш мақсадида поликлиникани кегайтириш, уни малакали кадрлар билан таъминлаш борасида яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар.

Поликлиниканинг медицина ходимлари партия - ҳукуматимизнинг халқимизга кўрсатаётган бундай ғамхўрлигига жавобан, аҳоли ўртасида касалликни камайтириш ва олдини олиш учун курашда профилактика ишларини янада кучайтириб юборадилар. Эл саломатлиги йўлида билим ва кучларини аямайдилар.

Ю. ИБРОҲИМОВ,
32-поликлиниканинг бош врачи.

Чернигов областининг шифохонасида радио изотоп лабораторияси очилди. Изотоплар турли касалликларга аниқ диагноз қўйишда жуда қўл келади.

СУРАТДА: врач-радиолог Юрий Шмаков радиоактив изотопларининг дозасини тайёрламоқда.

Ю. Олейник фотоси,
ТАСС фотохроникаси.

ҲАРАКАТ—КОНИ ҲИКМАТ

Агар соғлигингда югурмасанг, касаллигингда югуришга мажбур бўласан.
ГОРАЦИЙ.

Зурриёт она қорнидаёқ талпиниб ҳаракатга келади, ўзидан хабар беради. Митти паҳлавон —. юрак аллақачонлардирки ҳаракатга келган эди.

Мурғакнинг ёруғ дунёга келиш жараёни ҳам куч ва ҳаракат аталмиш трамплиндан бошланади. Ёш бола ҳаёт тақозоси билан, ўта кетган ҳаракатчандир, чунки ҳаракат ҳаёт учун ёшликдан йўлдош. Ҳаракат туфайли бола жисмонан камолга етади, қаддини ростлайди, куч йиғади.

Тарихда ҳаракат туфайли паҳлавон бўлиб етишган болалар ҳам учрайди. Масалан, бир ёш бола қўли билан занжирни узган, муштуми билан мих қоққан. Ж. Руссо фикрича, болани ақлли ва инсофли қилиб ўстириш учун, аввало, у кучли ва соғлом бўлиши керак: ишласин, таъсир қилсин, қичқирсин, умуман, доимо ҳаракатда бўлсин.

Ҳаракат (жисмоний меҳнат, юриш, югуриш, гимнастика, рақс, кураш, сузиш, атлетика умуман, жисмоний ҳаракатлар) каттаю-кичик ва майда-чуйда томирларда қонни тўлиқ ва зудлик билан ҳайдайди. Натижада, органлар ва тўқималарда қон таъминоти, бинобарин, модда алмашинуви, яъни оксидланиш жараёни мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай сифатларга эга аъзолар фақат ўз функцияларини яхшилабгина қолмай, балки чиниққан, бардам ва баркамол бўлади, ёшлигини сақлайди.

Машҳур совет альпинисти В. М. Абалаковни кўрикдан ўтказилганда, унинг организми ёш спорт мастерлари организми сингари бақувват экан. Олтмиш ёшга кирганига қарамай, В. М. Абалаков энг юксак тоғ чўққиларида мураккаб юришларда қатнашган.

Ҳаракатсиз баданда қон айланиш фақат томирлардагина мавжуд. Кичик ва майда томирларда (капиллар) қон айланиши суст ёки димланган бўлади. Н. Амбодик Максимович «ҳаракатсиз бадан туриб қолган сувга ўхшайди, моғорлайди, сасийди, бузилади», — деб бежиз айтмаган. Айни шу жойда яра очилиши ҳам мумкин. Қони суст аъзода демак, модда алмашинуви паст бўлгани ичун кишида оғриқ сезиш (стенокардия) ёки бош айланиши мумкин. Баъзиларда у ҳам, бу ҳам иттифоқо дуч келади. Агар бу вазият ўзгармаса, яъни қон ҳаракати тубдан яхшиланмаса, аҳвол борган сари оғирлашиши мумкин.

Арастунинг фикрича, давомли жисмоний ҳаракатсизликдек одамни сўндирадиган ва бузадиган нарса йўқ. «Шунинг учун ҳам, ҳаракатчанлик сўниши ҳаётий жараёнларнинг чўкиши демакдир» (В. В. Гориневский).

Ҳисоб-китобларга қараганда, бундан 100 йиллар муқаддам, иш-юмуш асосан қўл кучи билан бажарилган. Эндиликда эса аксинча, ишлар техника воситасида бажарилаётир. Натижада, баъзи одамлар умумий жисмоний сустлик дардига дучор бўлмоқда. Бу дард «аср касаллиги» деб айтилади.

Қон айланишини ва таъминотини яхшиловчи бирдан бир табиий омили ҳаракатдир. Бу ҳақда Тиссо серҳикмат бир фикр айтган: «Ҳаракат ўз таъсири билан даволарнинг ўрнига ўтади. Дунёнинг барча дори-дармонлари ҳаракатнинг таъсиридек муолижа бўлолмайди».

З. ЭГАМБЕРДИЕВ.
З. ЭГАМБЕРДИЕВА.
медицина фанлари кандидатлари.

Айб болада эмас

Бола тунда ўрнини ҳўл қилиб қўйиш касалига дучор бўлган. Бунга нима сабаб? Қандай даволаш йўллари бор?

Тунда сийдик ушлайолмасликка асосан асабнинг бузилиши, ичакларда гижжалари бўлиши, қаттиқ кўрқиш, совуқ ва заҳ уйлар бу касалликнинг келиб чиқишига сабабчи бўлади.

Баъзида бундай ҳам бўлиши мумкин: бола кундузи ҳаддан ташқари чарчайди, уйқудан олдин эса, кўп суюқлик истеъмол қилади. Қарабсизки, тунда кўнгилсиз ҳодиса рўй беради. Агар ота-она ҳаддан ташқари эътибор бериб, болани уришиб-уриб жазолашса, боланинг асаби бузилиб, бир марта фавқулодда бўлган кўнгилсиз ҳодиса ҳар куни қайтариладиган бўлиб қолиши мумкин.

Бола катта бўлган сари ўз касаллигини кўриб руҳан эзилади. Бўлар-бўлмасга инжиқлик қилади, ланж, хаёлкаш бўлади. Иштаҳаси ҳам пасаяди.

Масалан: М. деган болани пионер лагерига онаси олиб келади. М. нинг онаси ўз ўғлининг шундай одати борлигини била туриб, лагерь бошлиғи ёки бўлмаса бирор тарбиячини огоҳлантириб қўймайди. Кейинчалик, буни тарбиячилар бир неча мартаба сезадилар.

М. ўзини кўпчиликдан четга тортади, руҳан эзилади, ўртоқлари ўртасида кулги бўлади, унча иштаҳаси ҳам йўқ, нима қилишини билмайди. Шу пайтда, тарбиячи лагерь бошлиғига тушунтиради, М. ни онаси келганда уйига жўнатиб юбормоқчи бўлишади. Бундан М. жуда ҳам қаттиқ уялади, хафа бўлади.

Афсуски, бундай ҳолларда баъзи ота-оналар фарзандларини врачга кўрсатишга ҳеч шошилмайдилар. Баъзи оилаларда: «Ҳа, бу ўз-ўзидан тузук бўлиб кетади», — дейишади. Улғайиб бораётган боланинг асаби бузилиб, оғир невроз касалига дучор бўлади.

Бу касалликни даволаш мутахассис-врач вазифасидир. Касалликнинг олдини олиш учун она-оталар қуйидагиларга амал қилишлари лозим:

Болани ёшликдан ҳожатга чиқишга, горшокка эса 4 ойликдан ўтказишга ўргатиш керак. Кейин бу рефлекс бўлиб қолади ва бола тувакка ўтиришга одатланади.

Агар бола ҳеч ўрганмай, ҳар куни тунда ўринларини ҳўл қилиб қўяверса, тунда уни бир маҳал бир хил вақтда уйғотиш зарур. Бу бир неча бор қайтарилса, бола ўша вақтда ўз-ўзидан уйғонадиган бўлиб қолади.

Бундан ташқари, бола куннинг иккинчи ярмида ва кечқурун сув ва суюқ овқатларни мумкин қадар камроқ истеъмол қилсин, ётиш олдидан сут ичмасин.

Энг асосийси, боланинг асабини бузмаслик, уни кўп уялтирмаслик ва ҳадеб танбеҳ беравермаслик керак.

Агар бола сийдик ёзаверса, тезда мутахассис врачга мурожаат қилиш керак.

Ш. ШОУМАРОВ,
Республика санитария маорифи уйининг врач-методисти.

ФАН ОЛАМИДА

ҒАЛАТИ СУВЛАР

Сув—ҳаёт демакдир. Ер шари аҳолиси бир суткада 7 миллиард тонна сув ишлатади. Бу, бир йилда ишлатиладиган ҳамма қазилма бойликлар миқдорига тенг. Сув шу қадар кенг тарқалган ва оддий бўлишига қарамай, ўзида ҳали жуда кўп жумбоқларни сақлайди. Кейинги вақтларда сув устида олиб борилаётган текширишлар унинг янгидан-янги сирларини очаяпти.

Германия Демократик Республикасининг Бзель шаҳридаги «Рейнфельдон» кимё заводи кимёгарлари 90 қисм сувга 10 қисм гидрофоб «сувни ёмон кўрадиган», сувни ўзидан узоқлаштирадиган модда— кремний кислотасидан қўшиб, яхшилаб аралаштирганларида ҳеч кутилмаган ҳодиса рўй берди. Суюқ ҳолат йўқолиб, узоқ сақланадиган турғун оқ порошок ҳосил бўлди.

Бу, 1966 йилда «қуруқ» сув деб эълон қилинди. «Қуруқ» сув жуда майда ун сингари порошок бўлиб, ҳавода худди тутун сингари тарқалар экан. Бундай сувнинг ҳосил бўлиш сабаби қуйидагича тушунтирилади. Тезлик билан аралаштириш натижасида сув ниҳоятда майда, диаметри ҳатто 0,05 миллиметрга тенг бўлган томчи шарчаларга парчаланиб, бу томчилар атрофи гидрофоб модда — кремний кислотаси билан ўраб олинар ва улар бир-бирлари билан бирлашмай, порошок ҳолига ўтар эканлар.

1967 йилда эса Германия Федератив Республикаси Кимё саноати бирлашмаси сув ҳақида янада ажойиб хабарни босди. Бу хабарга қараганда, этилен оксиди деб аталувчи кимёвий модда асосида шундай полимер олинганки, унинг бир қисми миллион қисм сувга қўшилиши сувнинг хоссасини бутунлай ўзгартириб юборишга кифоя экан. Бунда сувнинг оқувчанлиги икки марта ортиб, молекуляр ишқаланиши камаяр экан. Хосил бўлган сув — «ўта чўзилувчан» сув деб аталди.

Худди шунга ўхшаш сув хоссасининг ўзгаришини Калифорния технологик институтининг аспиранти Дэвид Джеймс ҳам ўз кашфиётида исбот қилди. У оддий сувга 0,5 процент миқдорда этилен оксиди полимеридан қўшса, сув шу қадар чўзилувчан бўлиб қоладики, уни бир идишдан иккинчисига қуйилса, то қайчи билан қирқиб юбормагунча оқаверар экан. Буни «Резинка» сув деб атадилар.

Москвадаги физик-химия институтида СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Б. В. Дерягин раҳбарлигида сув устида олиб борилаётган илмий ишлар ҳам ниҳоятда ажойиб бўлиб, ҳанузгача кўпгина тортишувларга, шов-шувларга, баҳсларга сабаб бўлмоқда. Гап шундаки, оддий сувнинг зичлиги 1 га, синдириш кўрсатгичи 1,33 га тенг бўлиб, 100 градусга қайнайди, совутилса тезда музлайди. Дерягин раҳбарлигидаги олимлар сув буғини кварц капиляр найчаларида конденсациялаганларида сувнинг синдириш кўрсатгичи 1,49 га, зичлиги 1,4 га, яъни 45 процентга, қовушқоқлиги эса 15 марта ортиши аниқланди. Бундай «ғалати» сув вазелинсимон бўлиб, ҳатто 700 градусда иситилса ҳам қайнамайди. Оддий сув каби музламайди ҳам, фақат 50 даража совуқда шишасимон бўлиб қотади.

Бундай сувнинг олиниши олдин кўпчиликда шубҳа туғдирди, ҳеч қачон янги сув олинган эмас, бу баъзи био аралашмалар ҳисобига бўлса керак, деган тахминлар ҳам айтилди. Аммо минглаб ўтказилган тажрибалар, бетиним изланишлар натижаси ўзгача хоссага эга бўлган сувнинг ҳақиқатда олинганини исбот этди. Бироқ бундай сув қандай ҳосил бўляпти, деган саволга ҳали узил-кесил жавоб топилганича йўқ. Фақат оддий сув буғларининг кварц сатҳида полимерланиши натижаси деб тахмин қилинмоқда. Шунинг учун ҳам бу сувга «П—сув» деб ном берилди. «П— сув»ни олганликлари учун физика-химия институтининг сатҳлар ҳодисаси бўлимининг бошлиғи Б. В. Дерягинга ва Костромск енгил саноат институтининг доценти Н. Н. Федякинга СССР Министрлар Совети ҳузуридаги ихтиро ва кашфиёт ишлари комитети авторлик гувоҳномасини берди.

«Қуруқ», «Резина», «П—сув» каби ғалати сувлар фақат назарий аҳамиятга эга бўлмай, келгусида катта амалий фойдалар бериши мумкин. Масалан, «қуруқ» сувни озиқ-овқат, фармацевтика, косметика саноатида ҳар хил порошоклар олишда, «П—сувни» эса нейтронлар таъсиридан сақланиш учун ишлатиш мумкинлиги айтилмоқда.

Сув устидаги текширишлар, баҳслар қизғин давом этмоқда. Бу изланишлар натижасида сув ҳақида янада катта янгиликлар бўлиши мумкин.

С. АМИНОВ,
химия фанлари кандидати.

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

«ҚАЙНОНА»НИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Кобул. (АПН мухбири). «Спектакль мисли кўрилмаган муваффақиятга эришди. Кундузи ҳам, кечаси ҳам томошага тушиш истагида ёнган одамлар билет кассаларини ўраб туришибди». — Афғонистонда чиқадиган «Анис» газетаси Кобулдаги «Нандари» театрида намойиш этилаётган «Қайнона» спектакли ҳақида шундай деб ёзди. Озарбайжон драматурги Мажид Шахмаловнинг пьесасини ёш режиссёр Ҳамид Жалий саҳналаштирган.

Ҳамид ўн ёшиданоқ отаси Абдул Жалий раҳбарлигида театр саҳнасига чиққан эди. Кейинчалик Ҳамид бошқа афғон йигитлари билан биргаликда Москвага келади. Бу ерда ГИТИСга кириб уни муваффақиятли тугатади. Ҳамид ўзининг устозлари совет санъаткорларидан бениҳоя миннатдор.

Х. Жалий ватанига қайтгач, «Нандари» театрида ишлай бошлади. «Қайнона» ёш режиссёрнинг биринчи асари. «Мен бу асар ватандошларимга ёқишини ҳис қилардим, негаки пьесада эскилик сарқитлари билан янгилик ўртасидаги кураш тасвирланган. — дейди Ҳ. Жалий,— мавзу томошабинларимизни ҳаяжонлантирмай қолмайди.

Р. НАДЕЖДИН.

ҒАРБИЙ БЕРЛИН. Маҳаллий герман-совет дўстлиги Жамиятининг таклифига биноан бу ерга совет ёзувчиси Константин Симонов келди.

СУРАТДА: Константин Симонов [ўнгда] «Ди варҳайт» газетасининг бош редактори Ганс Мале билан суҳбатлашмоқда.

Е. Башмачников фотоси,
ТАСС фотохроникаси.

ЯПОНИЯНИНГ ОРТИҚЧА ОДАМЛАРИ

Токио. (АПН мухбири). Бу ердаги газеталар кекса одамлар ўз-ўзини борган сайин кўпроқ ўлдираётганлиги ҳақидаги хабарни босиб чиқармоқда. Бунинг сабаби камбағалчиликдир.

Япон қонунига биноан маълум ёшга чиққан одам саломатлиги қандайлиги ва меҳнат қилишни давом эттириш нияти борми ёки йўқлигига қарамай пенсияга чиқишга мажбур. Албатта, бу қонун катта лавозим эгаларига ҳамда давлат муассасаларининг баъзи категориядаги ходимларига тааллуқли эмас.

Меҳнаткашларнинг жуда оз қисмигина умрининг охиригача пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади. Кўпчилик эса пенсияга чиқиш пайтида маълум маблағ олади. Албатта, бу маблағ билан узоқ вақт тирикчилик қилиб бўлмайди. Баъзи пенсионерлар олган пулига бир амаллаб тирикчилигини юритиш имконини берадиган дўкончами, бошқами сотиб оладилар.

Кейинги йилларда жамоатчиликнинг сиқуви билан баъзи саноат компаниялари пенсияга чиққан одамларнинг ишлашни давом эттиришига рухсат берди. Лекин бу ёшдаги одамларга пенсия ёшига етмаган кишиларга тўланадиган ҳақдан 30 процент кам маош берилади. Бунинг устига шундай кишиларни истаган пайтда ҳеч қандай сабабсиз корхонадан иргитиб юбориш мумкин эди.

А. СЕМИН.

Улан-Батор яқинида чўл ўртасида кончилар посёлкаси Налайха жойлашган. Халқ революциясига қадар шахта хусусий мулк эгасига тааллуқли эди. Халқ ҳокимияти ўрнатилгандан кейингина кончиларнинг чинакам бахтиёр ҳаёти бошланди.

СУРАТДА: Налайха посёлкасидаги маданият саройи.

А. Батанов ва К. Болдохонов фотоси,
ТАСС фотохроникаси.

ҲИНДИСТОН—ПОКИСТОН ЧЕГАРАСИДАГИ АҲВОЛ

КАРОЧИ

Покистон ҳукумати Ҳиндистон ҳукуматига «Давлат чегараси бузилаётганлиги» муносабати билан норозилик билирди. АППИ агентлигининг хабарида айтилишича, Ҳиндистон Исломободдаги олий комиссарига 19 июнда топширилган норозилик нотасида Ҳиндистон томонидан Покистон территориясига 10 июнда кириб келган «исёнчилар» Жанитиапурдаги (Силхет округи) Покистон чегарасига ҳужум қилдилар, дейилади.

ПАРИЖ

«Франц-пресс» агентлиги мухбири «Пресс траст оф Индия» агентлигининг Агартлардан берган хабарига асосланиб, бундай деб ёзади: Бингла деш ҳаракатининг қатнашчилари (Шарқий Покистон) кейинги икки кун ичида ўзларининг партизанлик ҳаракатларини кучайтириб юбордилар. Улар Покистоннинг ҳарбий гарнизонларига тўсатдан қилаётган ҳужумларида миномётлар ва пулемётлардан фойдаланмоқдалар.

(ТАСС).

«Очлик ороллари»

Яшил Бурун ороли Португалиянинг Африкадаги энг қадимий мустамлакаларидан. Португал ҳукумати ўзининг очиқ мустамлакачилик ҳукмронлигини ниқоблаш ниятида бу ерларни «денгиз ортидаги ўлка» деб атайдилар. Мустамлакачилар бу «ўлка»да яшовчи туб аҳолининг қандай турмуш кечираётганлигини жаҳон жамоатчилигига сездириб қўймаслик учун зўр бериб ҳаракат қиладилар. Лекин цензуранинг ҳар қанча уринишларига қарамай, бу ерда рўй бераётган воқеалар онда-сонда маълум бўлиб қолади. Бу хабарларда Яшил Бурун ороли аҳолисидан ўн мингларча кишилар очликдан ўлиб кетаётганлиги маълум қилинмоқда. Иқлим қуруқ бўлганлиги, тез-тез қурғоқчилик рўй бериб туриши туфайли мустамлаканинг қишлоқ хўжалиги ачинарли аҳволга тушиб қолган ва 250 минг кишилик аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлай олмайди. Лекин мустамлакачи ҳукумат вазиятни яхшилаш учун ҳеч қандай чора кўраётгани йўқ.

Аксинча, ҳукумат оролдаги аҳволни янада мушкуллаштиришга ҳаракат қилади. Негаки, бу нарса уларга енгил иш кучини етаклаб келади. Очлик ва ғам-кулфатдан эзилган маҳаллий деҳқонлар «контратадуш» деб номланувчи чинакам қуллар армиясини кун сайин тўлдирмоқдалар. Улар кантраактга қўл қўядилар ва маълум муддат Ангола ҳамда Сан-Томадаги мустамлакачилар компаниясига қарашли плантацияларда ишлаб беришга мажбур бўладилар. «Контратадуш» ўртача 120 эскудо яъни 4 доллар ойлик олади. Бунинг устига турли солиқлар баҳонасида шу маошнинг икки доллари ушлаб қолинади.

Лиссабондаги денгиз орти мамлакатлари тадқиқоти институтининг бундан бир неча йил илгари эълон қилган статистик маълумоти (гарчанд бу маълумот анча камайтириб кўрсатилган бўлсада) Яшил Бурун оролида яшовчиларнинг фожиали аҳволидан дарак беради. ХХ асрда маҳаллий аҳоли 21 йил очликни бошдан кечирди. Шундан бир неча йили қаҳатчилик билан ўтди. Бу йилларда аҳоли сони ҳар сафар учдан бир қисмга камайиб кетар эди. Мамлакат 223 йил мустамлака зулми остида яшаган бўлса, (1747 йилдан 1970 йилгача) шундан умуман 50 йили очлик билан ўтди. Натижада очлик туфайли қирилиб кетган аҳоли сони ҳозир Яшил Бурунда яшаётган аҳолининг умумий сонидан кўпроқдир. Португалиянинг «тараққиёт» олиб келиши сиёсати ана шундай натижа берди.

Сўнгги уч йил мобайнида архипелагга кирувчи Сантьяго оролида муттасил қурғоқчилик бўлмоқда. Агар зарур тадбирлар кўрилмаса, очларга ёрдам берилмаса, аҳолининг кўпчилик қисми қирилиб кетади. Португалия ҳукумати рўй берган «кризис»ни тан олишга мажбур бўлди. Лекин орол аҳолиси турли амалдорларнинг ташриф буюриши-ю, Лиссабон корчалонларининг ваъдасидан бошқа нарсани кўраётгани йўқ. Қаҳатчилик туфайли ўн мингларча одам ўлиб кетди. Очлик ўз қурбонлари билан бирга Португалия ҳукумати ёрдам бериши мумкин деган умидларини ҳам қуритиб юборди.

Яшил Бурун оролининг аҳолиси мустамлакачилар айби билан бошларига тушган бу кулфатлардан қутулиш учун Гвинея ва Яшил Бурун мустақиллиги Африка партияси (ПАИГК) раҳбарлиги остида қуролли кураш бошлаш, бу курашни мустамлака зулмидан қутулгунча давом эттириш зарурлигини тушунмоқдалар.

Ю. ОЛЕЙНИЧЕНКО,
АПН мухбири.
Конакри.

MORNING STAR

ЛОНДОН. Шаҳарнинг мингларча аҳолиси —ишчи ва хизматчилар, студент ва уй бекалари намойишга чиқди. Улар АҚШнинг Вьетнамдаги урушини ёқлаётган консерваторларга лаънат ўқиб, Анжела Дэвисни озод қилишни талаб этдилар.

СУРАТДА: намойишчилар консерватив ҳукумат бошлиқлари карикатурасини олиб бормоқдалар.

В. Кузнецов телефотоси,
ТАСС фотохроникаси.

Табиат оламида

ЙИРТҚИЧ ЮЛДУЗЛАР

Джеймс ШУГАР.

Йирик кўп қиррали денгиз юлдузлари (фан тили билан айтганда, акантестерлар) Тинч ва Ҳинд океанларининг тропик зоналаридаги маржон қояларда кўп тарқалган. Йирикроқларининг диаметри ярим метрча келадиган акантестерлар йиртқич жониворлар туркумига киради. У оғзини очиб, ташқарига ошқозонини чиқаради-да ўлжасини ўраб олади ва ҳазм бўлгач, юмшоқ қисмларини ютиб юборади. Акантестерлар ўрмалаб ўтган ерларда сўриб ташланган маржонлар скелетидангина иборат оппоқ из қолади, холос. Қояларнинг бундай жонсиз жойлари тезда нурай бошлайди, натижада, океан тўлқинларини сусайтиришга ярамайдиган бўлиб қолади.

Сўнгги икки ярим йил ичида йиртқич юлдузлар Гуам ороли атрофини ўраб турувчи юз милдан иборат маржон қояларнинг тўртдан бир қисмини еб битирди. Энди эса улар кўп маржон қояларга эга бўлган Австралиянинг Катта Қоялар Барьери томон «юриш» қилмоқдалар. Айниқса, Малая ва Янги Гвинея қирғоқлари, Сайпан, Фиджи, Гаити, Гуамату ороллари хатар остида турибди.

Қуйида, сиз денгиз юлдузларига қарши кураш чораларини қидираётган тадқиқотчиларнинг баъзи бир ишлари билан танишасиз.

Бундан ўн йил аввал кам-дан-кам учрайдиган денгиз юлдузлари ҳозирда мисли кўрилмаган даражада кўпайиб бориб, Тинч океани территориясидаги маржон қояларини еб юбориш хавфини туғдирмоқда. Акантестерлар маржон қоялар ҳосил қилувчи гулга ўхшаш майда маржон полип (денгиз остида қимирламай яшовчи жонивор)лар билан овқатланиб яшар экан. Иштаҳанинг зўрлигини қаранг: бир акентестер бир кунда ўз танасининг юзасидан кўра икки ҳисса ортиқ полиплар шўрини қуритар экан.

Биз Гуам университетининг океанология бўйича доктори Ричард Чешер билан бирга Питие кўрфазига юлдузларни қириш чорасини синаб кўришга тўхтадик. Акваланг тақиб олгач, сувга шўнғидик. Қўлимизда формальдегид суюқлиги билан тўлдирилган шприц бор эди. Бу суюқлик уларнинг танасига юборилса, ўлиши муқаррар.

Олтмиш футча (тахминан 20 метрга яқин) чуқурликда денгиз юлдузлари тўдаси кўзга ташланди. Уларнинг кўп панжали қорамтир гавдаси океаннинг рангсиз тубида яққол кўриниб турарди. Мен улардан бирининг яқинига сузиб бориб, бир оз тикилиб турдим. Юлдуз панжаларининг ҳар бири ўндан ортиқ заҳарли пайпаслагичлар билан қопланган бўлиб, улар яраланган жой йиринг боғлайди ёки бўлмаса қонни заҳарлайди.

«Мен ёнимдан пичоқни олдим-да, икки футча келадиган тиканли жониворни тўнкариб қўйдим. Унинг таг қисми турли томонларга ҳаракат қилиши учун мосланган майда, сариқ ўсимталар билан қопланган эди. Юлдузни авайлаб олдим-да, камерага яқинлаштирдим. Юлдуз дарҳол камера объективига панжалари билан ёпишиб олди. Фақат юқорига чиққандагина, шунда ҳам пичоқ ёрдамида, камерадан ажратиб олдим. Шу пайт, юқорига яна бир шўнғувчимиз қайтиб чиқди. Мик Черч ўзининг формальдегид тўлдирилган «милтиғи» билан 150 денгиз юлдузини «даволаганини» айтди.

—Бу ерда, Гуамда,—деди доктор Чишер биз ишларни тугатиб бўлиб, аппаратларни йиғиштираётган пайтда, —бизга яна кўп марта улар билан муносабатда бўлиш насиб қилади.

Яқинда биз тўрт соат ичида 2549 юлдузнинг ёстиғини қуритдик. Буку тўғри-я. Аммо ерлик аҳоли, айниқса, узоқ ороллардагилар бундай қуролларни қаердан топишсин. Фақат биргина усул, уларни найзага санчиб олиб, қирғоқнинг бирор ерига кўмиб ташлашни ўргатишдан бошқа чора йўқ. Акантестерларни шунчаки найза билан гавдасини илма-тешик қилганингиз билан ўлмайди. Хатто қоқ иккига бўлиб юборганингизда ҳам иккала қисм яна тузалиб олаверади.

Чешер менга денгиз юлдузлари Тинч океандаги қуйи ороллар аҳолисига офат келтириши мумкинлиги ҳақида гапириб берди.

—Маржонлар ҳалок бўлгач, қоялар емирила бошлайди, қирғоқларга келиб урилувчи шторм тўлқинлари эса уларни ювиб кета бошлайди. Лекин орол вайронага айлангунча ундаги одамлар очдан ўлиш хавфи туғилади. Чунки денгиз улар учун бирдан-бир овқат манбаи ҳисобланади. Қоялар бузилиб битгач, балиқлар орол яқинидан узоқларга кетиб қолади.

Маржон қояларни сақлаб қолишни ўрганиш учун ўтган йили Тинч океани районига 60 тадқиқотчи ва шўнғувчилардан иборат группа юборилди. Мен зоолог ва сув остига тушиш ишлари бўйича мутахассис бўлган профессор Брауэр ва унинг икки ёрдамчисига ҳамроҳ бўлдим. Улар Гаум оролининг ғарб томонидан денгиз юлдузларини йиғиб олиш учун машғул бўлишлари керак экан. Биз моторлар билан бириктирилган резина солга тушиб шўнғиш учун мўлжалланган жойга етиб келдик-да, акваланг кийиб ва қўлимизга денгиз юлдузи солиш учун карзина олиб шўнғишга тайёр бўлдик.

— Эҳтиёт бўлинг,— деди Брауэр, — ўзингизни ҳам, жониворни ҳам яралантирманг.

Биз шўнғидик. Денгиз туби тамоман турли катталикдаги ва турли кўринишдаги маржонлар билан тўла эди. Бир неча денгиз юлдузи маржонларга ёпишиб олиб, уларни сўриб ётарди.

Биз юлдузларни кератича йиғиб олгач, аквариумга солиб қўйдик. Брауэр маржон полиплари ўсаётган ердан сувни шприцга тўлдирди-да, юлдуз остига пуркади. Шу заҳотиёқ юлдуз оғзини очди.

Кейин Брауэр оч денгиз юлдузини тирик маржон устига қўйди. Акантестер ошқозонини тамоман ташқарига чиқариб олди. Ундан хазм қилувчи суюқлик ажралиб, маржон полипларини эрита бошлади. Бир соат ўтмаёқ, улар ярим суюқ ҳолга айланди. Бояги турли рангдаги майда жониворлар тўдаси ўрнида энди рангини йўқотган оқиш суякчалар ётарди.

—Худди мана шундай қилиб, бир кечада денгиз юлдузи эллик йил давомида ўсиб келаётган маржонлар тухумини қуритади,— деди менга профессор.

Агар юқоридаги ҳодиса шундай давом этаверса, натижаси жуда фожиали бўлиши аниқ. Шунинг учун. Австралия биологлари денгиз юлдузларига қарши курашиш учун уларнинг душмани бўлган гигант молюска —тритонлардан фойдаланишни тавсия этмоқдалар. Лекин бундан ўн йилча аввал тритонлар камайиб кетган эди. Чунки. ўша пайтларда тритон чиғаноғининг ихлосмандлари уни овлайвериб. камайтириб юборганлар

1949-1959 йиллар ичида шу жойларда юз мингтача тритоннинг шўри қуриган. Денгиз юлдузларининг кўпайиб кетишига шу сабаб бўлган бўлса керак. Ҳозир тритонларни махсус фермада кўпайтириш чоралари изланмоқда.

Доктор Чешернинг айтишича, денгиз юлдузларининг кўпайиб кетишига фақат тритонларнинг камайиб кетганлиги сабаб эмас. Маълум бўлишича, урғочи юлдуз ташлаган миллионларча тухумларнинг ҳаммаси нормал шароитда ривожланавермай, балки жуда оз қисми ривожланар экан. Қизиғи шундаки, сузиб юрувчи юлдуз тухумларининг жуда кўплари маржон полипларига емиш бўлар экан, каттароқ бўлган юлдузлар эса, бизга маълумки полипларни қуритади.

Одамлар денгиз тубидаги маржон қояларни бузиб, турли ишларни амалга оширган пайтларда акантестер тухумлари денгиз тубига ёпишиб олиб ,бемалол улғаяверар экан.

—Менинг гипотезамни,—дейди доктор Чешер.—Гуам, Рота, Понапе оролларидаги портлаш ва экскаватор ишларидан сўнг юлдузларнинг ортиб кетганлиги исботлайди.

Чешернинг ҳамкасблари бу сабаблар ёнига, шу районларда синалган ядро портлатишлари ёки океан сувини турли кимёвий моддалар билан заҳарлашлар ҳам сабаб бўлса керак, деб айтмоқдалар. Афсуски, буларнинг ҳаммаси инсоният «фаолияти»нинг натижасидир.

«Вокруг света» журналидан.

Ҳ. ШОУМАРОВ
таржимаси.

Редактор ўринбосари
М. КАРИМОВ.

XXXIII
чемпионат
СССР
по футболу

ҲИСОБЛАР ҚОНИҚАРЛИ

Бугун мамлакатимизнинг турли шаҳарларида футбол бўйича Совет Иттифоқи биринчилиги учун биринчи группа командалари орасида навбатдаги учрашувлар бўлиб ўтади. Олдинги 15-турдаги ўйинлар жуда қониқарли бўлди. Чунки бу ўй бир учрашувда 22 маротаба дарвозалар ишғол қилинди.

Москванинг «Локомотив» командаси бу турда Ленинграднинг «Динамо» футболчилари дарвозасига 4 та жавобсиз тўп киргизишди. Пойтахтликлар 15 ўйиндан 24 очко тўплаб, пешқадамликни ҳамон сақлаб келишяпти. Шуниси қизиқарлики темирйўлчилар ўз группаларида командадошлари дарвозасига тўп киритишда олдинда бормоқдалар. Улар рақиблари дарвозасини 24 маротаба ишғол қилишди.

Бу турдаги тўрт ўйин дуранг натижа билан тугади. Одессанинг «Черноморец» ва Душанбанинг «Помир» командалари ҳамда Кемеровонинг «Кузбасс» ва Свердловскийнинг «Уралмаш» футболчилари 0:0 ҳисоби билан ўйнаган бўлса, Запорожьенинг «Металлург» спортчилари билан Фрунзенинг «Олға» ҳамда Астраханнинг «Волгарь» футболчилари билан Кутаисининг «Торпедо» командалари ўртасидаги ҳисоблар 1:1 натижасида тугади.

Икки учрашув — 1:0 ҳисобида якунланди. Куйбишевнинг «Крилья Советов» командаси Қозоннинг «Рубин» спортчилари устидан, Риганинг «Даугава» командаси эса Ярославлнинг «Шинник» командаси ўстидан ғалаба қозонди.

Ашхободнинг «Строитель» ва Днепропетровскийнинг «Днепр» командалари орасидаги ўйинда 5 та тўп киритилди. Бундан 2 тасини туркманистонликлар, 3 тасини эса украиналиклар киритишди. Оржоникидзенинг «Спартак» командаси ўз майдонида Харьковнинг «Металлист» футболчиларини 2:1 ҳисобида ютди.

Қарағанданинг «Шахтёр» командаси кетма-кетига учинчи мағлубиятга учради. Бу гал улар 0:2 ҳисобида Кишенёвнинг «Молдова» спортчиларига ютқазишди. Қарағандаликлар ўзларининг учинчи учрашувларини ҳам бир хил ҳисобда (0:2) ютқизишди. Худди шундай ҳисоб билан Вильнюснинг «Жальгирис» командаси; Ивановонинг «Текстильщик» командасига ютқазди.

Қайси бири урдикин-а?

Н. Надеждин фотоэтюди.

● *ФУТБОЛ ТАРИХИДАН*

БУ УЧРАШУВНИ КЎРГАН БОРМИ?

Революциянинг дастлабки йилларида нашр этилган газеталарни варақлаб, ажойиб футбол хабарига кўзим тушиб қолди. «Советский Туркистан» газетасининг 1918 йил сонларидан бирида Эрике деган мухбирнинг «Футбол» сарлавҳали хабари берилган. Уни ўқиб, бундан ярим аср олдин шаҳримизда футбол бир мунча ривожланган, экан деган фикрга келдим. Хабарда бундай дейилади.

«13 июнь пайшанба куни Тошкентда шаҳар ва чех командаларининг футбол ўйини бўлиб ўтди.

Тошкентликлар ўйинининг дастлабки минутлариданоқ ташаббусни қўлга олиб, рақиблар дарвозасини қуршаб олдилар. Мезбонлар тўртинчи минутда тўп киритиб қўйишди.

Чехлар дарвозаларнинг мустаҳкамлигини намойиш қилиш учун ўйинга шиддат билан киришдилар. Уларнинг уринишлари бефойда эди. Ўз рақиблари олдида эсанкирамаган ҳамшаҳарларимиз меҳмонлар дарвозасига яна учта тўп киритдилар.

Иккинчи таймда ҳам тошкентликлар устун келабошлашди. Меҳмонлар ўйинда қўпол харакатлар қилишади. Уларнинг икки ўйинчиси майдондан чиқарилади. Ниҳоят учрашув 9:0 ҳисоби билан тошкентликлар фойдасига ғалаба билан тугади».

Хабарда Астафьев, Кокоткин деган ўйинчиларнинг номлари тилга олинади.

Ярим аср мобайнида футбол жуда ҳам ривожланди. Ўша пайтда ўйнаган футболчилардан бирор киши ҳозирда ҳаёт бўлса, дастлабки футбол ҳақида тинглаш мароқли бўларди.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
А. Навоий номли кутубхона ходими.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА— 24/VI да **Ойжамол,** 25/VI да **Катта концерт.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 24/VI да **Олтин девор,** 25/VI да **Аяжонларим.**

КИНО

24 ИЮНДА
ҚИШКИ БИНОДА

Асосий зарба (2 серия)—САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 7 ва 9.15 минутда).

Тунги смена — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН», «МОСКВА» (кечқурун). «КЎКЧА» (кеч соат 7 да).

Осмоннинг бир бўлаги — «СПУТНИК» (кечқурун).

Гул ва тош — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кеч 7 ва 9.15 минутда).

Ярим тундаги саргузашт — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Ефрейтор Збруевнинг етти қайлиғи — «КЎКЧА» (кеч соат 8.45 минутда).

Жаҳон экранининг комиклари —«ВОСТОК» (кечқурун).

Венгер бойи. Золтан Карпатининг тақдири — «МОСКВА» (кеч соат 8.40 минутда).

Чегарада отилган ўқ — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Мен уни яхши билардим — ТЕЛЬМАН номли

Тунги смена—«ФЕСТИВАЛЬ».

Чегарада отилган ўқ—«ХИВА».

25 ИЮНДА
ҚИШКИ БИНОДА

Асосий зарба (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 11 ярим, 2, 4 ярим, кеч 7 ва 9.15 минутда).

Том Жонс (2 серия)—«ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Чегарада отилган ўқ (кундуз соат 11, 5 ярим), **Ҳамроз** (2 серия), (кундуз соат 12 ярим, 3 кеч 7 ва 9.15 минутда): —«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ».

Осмоннинг бир бўлаги — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», (жуфт соатларда), «МОСКВА» (тоқ соатларда).

Тунги смена—«ВОСТОК» (жуфт соатларда), «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Сариқ чамадонча саргузаштлари—«ҲАМЗА» номли (кундуз ва кечқурун).

Ваня тоға— «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Сайха (2 серия) (кундуз соат 12, 3 да), **Чегарада отилган ўқ**— (кундуз соат 5 яримда). **Утни ўзимга қаратаман** (кеч соат 8.45 минутда): —« КЎКЧА».

ЁЗГИ БИНОДА

Ваня тоға — ТЕЛЬМАН НОМЛИ.

Осмоннинг бир бўлаги — «ФЕСТИВАЛЬ».

Катта сайр — «ХИВА».

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ БЮРОСИ

ИШЛАМОҚДА

БЮРО ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТАШКИЛОТЛАР, ҚУРИЛИШЛАР, КОРХОНАЛАР, ЗАВОД ВА ФАБРИКАЛАРНИНГ ИШЧИЛАР ВА ХИЗМАТЧИЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАРИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРГА ЭГА.

Бюро ёрдамида СИЗ тезда ўзингизга иш топаоласиз.

Агар мутахассисликка эга бўлмасангиз БЮРО сизга касб танлашингизда ва шу касбни эгаллашингиз учун ўқишга юбориб ёрдам кўрсатади.

Бошқа шаҳардан келган ёлғиз кишиларни шаҳардаги айрим қурилишлар ва корхоналарга ишга жойлаштиради, ҳамда ётоқхонага прописка қилади.

БЮРО ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИБ ВАҚТИНГИЗНИ ТЕЖАНГ!

БЮРО Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 1-қаватга жойлашган.

РАЙОН ИЖРОИЯ КОМИТЕТЛАРИ ҲУЗУРИДАГИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ПУНКТЛАРИНИНГ АДРЕСЛАРИ:

Ленин районида—Полторацкий кўчаси, 72-уй;
Октябрь районида—У. Юсупов кўчаси, 3-уй;
Куйбишев районида—К. Маркс кўчаси, 59-уй;
Киров районида—Фрунзе кўчаси, 6-уй;
Ҳамза районида—М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй;
Чилонзор районида—Чилонзор кўчаси, 2-квартал, 53-уй;
Фрунзе районида—Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.

А. С. ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

ҲАР КУНИ

АНДИЖОН ШАҲАР МАДАНИЯТ БЎЛИМИ 2-СОН МАДАНИЯТ УЙИ

ЎЗБЕК ХАЛҚ МИЛЛИЙ

КАТТА ДОР ЎЙИНЛАРИ

Дор тагида Усмон НИШОНБОЕВ раҳбарлигида қизиқчилик, тош, от ва ёғочоёқ ўйинлари.

Кеч соат 8 яримда бошланади.

ТЕЛЕВИЗОР

24 ИЮНЬ
ПАЙШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 17.20 Кўрсатувлар программаси. 17.25 Гражданлар уруши қаҳрамони Г. И. Котовский туғилган куннинг 90 йиллигига бағишланган кўрсатув. 17.40 «Нептун» клуби мукофоти учун. Болалар командаларининг сузиш бўйича мусобақалари ҳақида репортаж. 18.00 «Ит ва тўрт танкчи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади.** 19.00 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 19.05 «Сеними, шошмай тур». Болалар учун мультфильм. 19.15 «Ахборот» информацион программаси. **Ўзбек тилида:** 19.30 «Ишчи фахрли ном» программаси. 20.00 «Санъат ғунчалари». Глиэр номли музикали мактаб интернат ўқувчиларининг концерти. 20.40 «Ахборот» информацион программаси. 20.55 Шоир Миртемирнинг ижодий портрети. (Рус тилида). 21.35 Қишлоқ хўжалиги билимлари университети. 22.05 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт. Ориф Алимахсумов куйлайди. 22.40 «Қизил майдон» Бадиий фильм. I-серия. (Рус тилида). 23.15 Кўрсатувлар программаси. **Москва кўрсатади.** 24.00 «Вақт» информацион программаси, 00.30 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Рус тилида: 18.00 Музикали кўрсатув. 18.40 «Ўқишга марҳамат». Реклама. **Москва кўрсатади.** 19.00 Бадиий ҳаваскорлар концерти. 20.00 Янгиликлар. 20.10 «КПСС XXIV съезди материалларини ўрганувчиларга ёрдам. 20.45 В. Левашов. «Абадий музликлар». Телеспектакл премьераси. 22.15 Осипов номидаги Давлат рус халқ чолғу асбоблари оркестрининг концерти. РСФСРда хизмат кўрсатган артистка Ольга Воронец. 23.25 Оғир атлетика бўйича Европа чемпионати. Болгариядан олиб кўрсатилади. Ёзиб олинган.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 20.00 «Азимут». Табиат, саёҳат, изланиш. (Рус тилида). **Ўзбек тилида:** 20.30 Дўстларимиз эстрадаси. 21.00 «Ҳеч ким ўлишни хоҳламайди». Бадиий фильм.

25 ИЮНЬ
ЖУМА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 13.00 Кўрсатувлар программаси. 13.15 Ўқувчилар учун. «Қадимий ва навқирон Бухоро». Тошкентдан олиб кўрсатилади. 13.45 Чорвачилик — саноатда муҳим соҳа. Телеочерк. 14.15 Рангли телевидение. «Сурат олдидаги суҳбат». 14.45 Янгиликлар. 14.50 Москва кундузги кўрсатувларининг охири. 17.15 Кўрсатувлар программаси. 17.20 Рангли телевидение. Болалар учун. «Эртакка саёҳат». 17.50 Совет Осетияси «Алан» халқ рақс ансамблининг концерти. 18.30 КПСС XXIV съезди қарорлари ҳаётга. Бутуниттифоқ репортажи. **Тошкент кўрсатади.** 19.00 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 19.05 «Гердайган ўрдакча». Болалар учун мультфильм. 19.20 «Ахборот» информацион программаси. 19.35 «Пропагандист» программаси. **Ўзбек тилида:** 20.05 «Чингиз Айтматов ва қирғиз киноси». Иккинчи кўрсатув. 21.05 «Ахборот» информацион программаси. 21.30 «Ноз-неъмат» бунёдкори программаси. 22.20 «Қизил майдон» Бадиий фильм. 2-серия. (рус тилида). 23.40 Кўрсатувлар программаси. **Москва кўрсатади.** 23.45 «Вақт» информацион программаси 00.15 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Рус тилида: 18.00 КПСС XXIV съезди қарорлари—ҳаётга. «Миллион тонна нефть учун». 18.30 Реклама. **Москва кўрсатади.** 19.00 Музикавий кўрсатув. 20.00 Янгиликлар. 20.10 «Мерседес» муаммоси. Бадиий фильм. 21.25 Ёзувчиларнинг қишлоқ меҳнаткашлари билан учрашуви. 22.30 «Балет шинавандалари учун.» 23.45 Оғир атлетика бўйича Европа чемпионати. Болгариядан олиб кўрсатилади, (ёзиб олинган).

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. Рус тилида: 20.00 Врач маслаҳати. 20.20 Реклама. 20.30 «Тўлқинда 02». **Ўзбек тилида:** 20.45 Балет кечаси. 21.25 «Виктор Чернишов ҳаётидан уч кун». Бадиий фильм.

РАДИО

24 ИЮНЬ
ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Фан—ишлаб чиқаришга» (ўзбекча). 18.10 Балетлардан парчалар. 19.20 Татар куйлари. 20.00 «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 Пахтакорларнинг талабларига мувофиқ концерт. 22.15 Ўзбек композиторлари қўшиқлари. 22.40 «Ёзувчи ва янги беш йиллик» (ўзбекча). 23.15 Мақом кечаси. 24.00 Тунги музикали программа.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ҳажвий ҳикоялар. А. Шейнин «Жанжал» (ўзбекча). 19.30 «Нўа болоша». Музикали [illegible] 20.00 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт (тожикча). 20.30 «А. М. Горький ёқтирган қўшиқлар». Музикали эшиттириш. 21.00 Ёшлар ижоди (ўзбекча). 21.40 Москва.

25 ИЮНЬ
ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. 7.40 Республикада хизмат кўрсатган артист Ғ. Тошматов чалади. 8.25 Фурқат ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар. 9.30 Чанг тароналари. 11.15 Совет ёшлари куни олдидан. «Чўл ёшларга бўйин эгмоқда» (русча). 11.30 М. Насимов. «Дилбарим» лирик-вокал сюита. 12.15 «Дўстлик одаси». Адабий-музикали композиция. 13.30 Д. Мийонинг фортепьяно куйлари. 16.10 Ешлар учун музикали соат. 16.50 «Правда» газетасининг обзори. 17.00 «Музикали Тошкент».

18.00 Илмий атеистик темаларда эшиттириш (ўзбекча). 18.10 Халқ куйлари. 19.20 Радио эшитувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт (татарча). 20.00 «Ўзбекистан индустриальний» радиожурнали. 20.30 Саноат ходимлари учун концерт. 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кечки концерт. 22.30 Адабий-драматик эшиттириш (ўзбекча). 24.00 Тунги музикали программа.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Кинофильмлардан куйлар.

19.00 Ўзбек куйлари. 19.30 Шеърият дафтари (русча). 20.00 М. Исҳоқбоева ва Д. Муродов куйлайди. 20.30 Ўзбек операларидан парчалар. 20.50 «Колхоз партия ташкилотининг ғамхўрлиги» (русча). 21.00 Социалистик мамлакатлар адабиёти. Э. Станев. «Сокин оқшомда» повестидан парча (ўзбекча). 21.40 Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 К. Целлер. «Қуш сотувчи» опереттасидан парчалар. 15.00 Ҳ. Носирова ҳақида суҳбатли концерт. 16.00 И. Шток. «Якор майдони» радиоспектакли (русча).

19.00 «Ёшлик» радиостанциясининг программаси.

ҚАРШИ ШАҲРИДА

26, 27 ИЮНДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИНИНГ 1971 ЙИЛ УЧИНЧИ ЧИҚАРИЛИШИ БЎЙИЧА

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

Тиражда 877500 сўмлик 357750 дона пул-буюм ютуқлари ўйналади.

ЖУМЛАДАН: «Москвич-412», «Запорожец» автомашиналари, «ИЖ-Юпитер» ва «М-63» коляскали мотоциклар, телевизорлар, холодильниклар, радиолалар, магнитофонлар, гиламлар, гилам поёндозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар, ҳамда пул ютуқлари мавжуд.

ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГИЗ!

Чилонзор район ошхоналар тресті раҳбарлари, партия ташкилоти ва бирлашган касаба союз комитети 15-ошхона мудири П. О. Отабоевга отаси Отабой РИЗАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 БЕТ тошкент оқшоми
24 ИЮНЬ, 1971 й.

«Вечерний Ташкент»
орган Ташкентского
горкома КП Узбекистана
и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй, Редакция телефонлари: Коммутатор —33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари—33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия, совет ва касаба союз турмуши, шаҳар хўжалиги бўлимлари—33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлими—33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95, эълонлар бўлими — 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитети
нашриётининг босмахонаси
Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579.
НАШР А—2586.
Р—04290.